
Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан меҳнат фахрийси Абдулхай бобо Азизов ҳолидан хабар олинди

**Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан меҳнат фахрийси Абдулхай бобо Азизов
ҳолидан хабар олинди.**

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасини ёд олиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган, оғир кунларни сабр-бардош билан енган фахрийларимизга юксак эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш давлатимизнинг ҳамиша эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Шу муносабат билан МИБ Риштон тумани бўлими ходимлари ва маҳалла фаоллари Риштон тумани Тўраобод қишлоғи, Ўқитувчилар кўчаси, 18-уйда истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдулхай бобо Азизовнинг хонадонига ташриф буюрди. Ташриф давомида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан табриклар, совға-саломларни топширди.

- Биз уруш қатнашчилари доимо давлатимиз эъзозида эканимиздан беҳад хурсандмиз - дейди Абдулхай бобо. Урушда бир марта оғир жароҳат олган. Урушдан қайтиб, турли соҳаларда ишлаган, 96 ёшни қарши олаётган Абдулхай бобо бугун фарзандлари, набираларию эваралари ардоғида. Урушда орттирилган жароҳатлар битиб кетди, аммо унинг даҳшатли хотиралари ҳамон қалбини тирнайди, кўнглига оғриқ солади. У кунларни эслар экан, нуроний чехрасига маъюслик чўқади. Кўзларига ёш қалқади... бугунги дориломон кунларга шукрона келтиради...

Туманимизнинг мутасадди раҳбарлари ва шифокорлар соғлиғимдан хабардор бўлиб турибди. Дунёда тинчликдан азиз бойлик йўқ. Бу бойликни ҳалқимиз қадрлайди. Осойишталик бўлган жойда инсон бахтиёр яшайди.

~~Биз каби фахрийларга кўрсатилаётган доимий ҳурмат ва эътибор учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз. Илоҳим, юртимиздаги тинчлик абадий бўлсин.~~